

“99 қоидаси”



11:28 / 22.01.2022 3774

Бир куни подшоҳ вазирдан:

«Нега хизматчим, ҳеч нарсаси йўқ бўлса ҳам, мендан кўра ҳаётида бахтлироқ, мен эса ҳамма нарсаси бор подшоҳ бўлсам ҳам, таъбим хира?» деб сўради.

Вазир унга «Ўша хизматчи билан «99 қоидаси»ни тажриба қилиб кўринг» деди.

Подшоҳ ҳайрон бўлиб, «99 қоидаси нима?», деб сўради. Вазир тушунтира бошлади:

«Бир халтага 99 динорни солинг-да, халта устига «Ушбу 100 динор сизга ҳадя» деб ёзиб қўйинг. Қоронғу тушганда, халтани ўша ходимнинг эшиги олдига қўйиб, эшикни таққиллатиб, у ердан узоқлашинг, сўнг нима юз беришини кузатиб туринг».

Подшоҳ вазир айтганидек қилди. Эшиги олдидаги халтани олган ходим уйига кириб, пулни санаб кўрди. Қараса, бир динор кам экан. «Бир динор ташқарига тушиб қолган бўлса керак» деди. Ўзи ва оила аъзолари кўчага чиқиб бир динорни ахтара бошлашди. Тун ҳам ўтиб бўлди, улар эса ҳамон пулни қидиришарди. Динорни топиша олмагани учун отанинг ғазаби тошди. Бироз олдин тинч турган одам энди оила аъзоларига ғазаб қилаётган эди. Чунки бир динор топилмаган эди. Эртаси куни ходим фикри

тарқоқ, таъби хира, қовоғи солиқ, хўмрайган бир аҳволда подшоҳнинг ҳузурига борди. Шунда подшоҳ «99 қоида»нинг моҳиятини тушунди. Бу моҳият «Биз ўзимиздаги 99 та неъматни унутамиз» деган хулосадир.

Ҳа, Аллоҳ таоло бизга қанчадан қанча неъматларини берган ва бермоқда. Биз эса бошқаларнинг пулига, кийимига, машинасига, уйига қараб, ўзимиздаги неъматларни унутамиз. Қўлимизда турган неъматни санаш, қадрига етиш ва унинг учун Роббимизга ҳамду сано айтиш ўрнига, ҳали берилмаган неъматни қидириб, кутиб ҳаётимизни шукрсиз ўтказиб юборамиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

﴿دَيْدَشَلْ يَبَادَعُ نِإْمُتْرَفَكْ نِئَلْوْ مُمْكَنْ دِي زَالْ مُمْتْرَكْ ش نِئَلْ مُمْكَبَرَنْ دَاتْ ذِإْوْ

«Ва Роббингизнинг «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», - деб эълон қилганини ҳам эсланг» (Иброҳим сураси, 7-оят).

Аллоҳ таолонинг берган неъматига шукр қилиш ва ўша неъматни Унинг тоатига ишлатиш давомли бўлса, Аллоҳ таолонинг фазли ила неъмат ҳам давомли ва зиёда бўлади. Агар Аллоҳ таолонинг берган неъматига шукр қилинмаса, устига-устак, ўша неъмат Аллоҳ таолога маъсият бўладиган ишларга ишлатилса, бу нонкўрлик, куфрони неъмат бўлади. Бунда энди бор неъмат ҳам қўлдан кетиб, унинг ўрнига ўша нонкўрлик учун Аллоҳ таолонинг азоби келади.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббим менга Макканинг Батҳосини олтин қилиб беришини таклиф қилди. Мен: «Йўқ, эй Роббим! Лекин бир кун тўйиб, бир кун оч бўлганим яхши, - деб уч ёки шунга ўхшаш айтдилар ва давомида: - Оч қолсам, Сенга тазарру қилиб, Сени зикр қилурман. Тўйган чоғимда Сенга шукр қилиб, ҳамд айтурман», дедим», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Қаранг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолодан бойлик, молу дунё сўрамаяптилар. Балки фақирона ҳаётни ихтиёр

этяптилар. Оч қолганларида, Аллоҳ таолога тазарру қилиб, У Зотни зикр қилишлари, тўйганларида эса, У Зотга шукр қилиб, ҳамд айтишларини баён этмоқдалар.

Биз умматлар севиқли Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқларини, шукрларини, зикрларини, бутун ҳаётларини яхшилаб ўрганиб, амал қилишимиз лозим.

Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ дедилар: «Аллоҳ азза ва жалланинг неъматларини Аллоҳ таолога шукр қилиш билан боғлаб қўйинглар!».

Аллоҳ таоло бизга қандай неъмат ато этган бўлса, раҳмати сабабли ато этгандир. Аллоҳ таоло бизга қайсидир неъматни бермаган бўлса, Ўзига маълум ҳикмати туфайли бермагандир.

Шундай экан, қўлимиздаги 99 та неъмат учун Аллоҳ таолога шукр қилайлик ва У Зотдан неъматларини зиёда этишини сўрайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни неъматга тўғри шукр қиладиган бандаларидан қилсин ва нонқўрлик, ношукрликдан асрасин!

У Зот барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади